

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси қўмондони ўринбосари –
Қўриқлаш бош бошқармаси
бошлиғи в.б. полковник



Н.А. Қурбонов

2019 йил «09» август

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ РЕГЛАМЕНТИ

**Шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини
техник қўриқлашни амалга ошириш**

1. Хизматлар тавсифи

1.1. Хизматларнинг номланиши

Шартнома асосида:

- фуқаро хонадонларини техник қўриқлаш марказлари (пунктлари) орқали хусусий мулкларини қўриқлаш;
- объектларни техник қўриқлаш марказлари (пунктлари) орқали ҳамда «ташвиш» тугмаси орқали қўриқлаш.

1.2 Хизмат натижалари

Жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусий мулкларини ишончли қўриғини таъминлаш.

1.3 Хизмат кўрсатувчи давлат идоралари

Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар қўриқлаш бўлинмалари.

1.4. Ҳуқуқий асос

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 03 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 555-сон қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчи

Жисмоний ва юридик шахслар.

1.6. Мурожаатларни топшириш муддати

Мурожаат жисмоний ва юридик шахсларнинг хоҳишига биноан амалга оширилади.

1.7. Ижро муддати

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан.

Объектни кўриққа олиш икки томонлама шартнома имзоланган кундан бошлаб амалга оширилади, объектни кўриқдан чиқариш эса шартнома бекор қилинган кундан бошлаб кучга киради.

1.8. Тасдиқ муддати

-

2. Хизматлар тўғрисидаги маълумотлар

2.1. Маълумот тузилиши ва мазмуни

Мурожаат қилган ҳар бир шахсга қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

- керакли ҳужжатлар рўйхати;
- кўрсатиладиган кўриқлаш хизмати учун тўловлар тартиби;
- техник кўриқлаш воситалари билан кўриқлашни ташкил этиш тартиби;
- кўриқлашни ташкил этиш учун шартнома тузиш ва бекор қилиш шартлари.

2.2. Тўлиқ маълумот

Жисмоний ва юридик шахслар хусусий мулкларини техник кўриқлаш марказлари (пунктлари) орқали кўриққа олиш тўғрисидаги маълумотлар тўғрисида:

- Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кўриқлаш бошқарма ва бўлинмаларига телефон тармоғи ёки ёзма мурожаат қилган ҳолда;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг расмий веб-сайти (milliygvardiya.uz) орқали олиниши мумкин.

2.3. Мурожаат орқали маълумот олиш

Телефон тармоғи орқали ёки ёзма мурожаат қилган ҳар бир шахсга кўриққа олиш тартиби, хизмат тўловлари, керакли ҳужжатлар рўйхати ва шартнома шартлари тўғрисида маълумотлар тақдим этилади.

2.4. Хизматларни кўрсатиш жойларида маълумот олиш

Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар қўриқлаш бўлинмалари.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат (бланк)лар

-

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Иш кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача. Тушлик соат 13:00 дан 14:00 гача.

3.2. Кутиш шартлари

Рухсатнома расмийлаштириш (шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) бўлиши лозим).

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Керакли ҳужжатлар

1. Жисмоний шахслар хонадонидаги хусусий мулкларни қўриққа олиш учун:
-Қўриқлаш бўлинмалари бошлиғи номига ариза, паспорт, уйга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар.
2. Юридик шахслар объектларини қўриққа олиш ёки «ташвиш» тугмаси ўрнатиш учун:
-Қўриқлаш бўлинмалари бошлиғи номига хат, объект раҳбари паспорт нусхаси, раҳбарликка тайинланганлиги тўғрисида буйруқ нусхаси.

4.2. Хизмат нархи

Объект ва фуқаро хонадонларини техник қўриқлаш учун хизмат ҳақлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақларини ошириш тўғрисидаги қарорига асосан, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган нархлар (тарифлар) Декларациясига мутаносиб равишда ўзгариб боради.

4.3. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби

Хизмат кўрсатиш тартиби:

- жисмоний ёки юридик шахслардан тушган ариза қабул қилиш;
- Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар қўриқлаш бўлинмалари тушган аризани ўрганиб чиқиш;
- объектнинг техник мустаҳкамлигини текшириш учун мутахассиснинг жойига чиқиши ҳамда бирламчи далолатнома тузиш;
- икки томонлама шартнома имзолаш.

4.4. Идоралараро давлат хизмати кўрсатиш тартиби

Жисмоний ва юридик шахслардан тушган аризани ўрганиб чиқиш.
Объектнинг техник мустаҳкамлигини текшириш учун мутахассиснинг жойига чиқиши ҳамда далолатнома тузиш. Далолатномага асосан камчиликларни кўрсатиб ўтиш ва бартараф этиш учун муддатлар белгилаш.
Телефон рақамини ҳудудий ЭАТС кроссига улаш учун ариза бериш.
Кўриқлаш хизматини кўрсатиш учун икки томонлама шартнома имзолаш.
Объектнинг техник кўриқлаш марказига (пунктига) уланганлиги тўғрисида далолатнома тузиш.

4.5. Рад этиш

Рад этиш шартлари учун куйидагилар асос бўлади:
- телефон тармоғининг мавжуд бўлмаганда;
- объектнинг техник мустаҳкамлиги учун тузилган далолатномада кўрсатилган тавсияларни бажарилмаганда.

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифат параметрлари

Кўриқланаётган объект ва фуқаро хонадонларида ўғриликларни олдини олиш.

5.2. Сифатсиз хизматга шикоятлар

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан.

**Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси
бўлим бошлиғи подполковник**



А.Я.Эшқобулов

2019 йил «09» август